

«Муъаввизатайни»ни ўқишнинг фазилати | Сийрат дарслари (329-дарс)



19:00 / 23.05.2025 1867

683. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Қиёмат кунига ўз кўзи билан очиқ-ойдин назар солмоқчи бўлса, «Изаш-шамсу куввирот», «Изас-самааун фаторот» ва «Изас-самааун шаққот»ларни қироат қилсин»,** дедилар».

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

684. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сенга бу кеча уларга ўхшаши менга сира нозил бўлмаган оятларни айтиб берайми? «Қул**

аъузу бироббил фалақи» ва «Қул аъузу бироббин-нааси»,
дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи
васалламнинг туяларини сафарда етаклаб борардим. У зот соллаллоҳу
алайҳи васаллам менга: **«Эй Уқба, энг яхши икки сурани сенга ўргатиб
қўяйми?»** дедилар ва «Қул аъузу бироббил фалақи» ва «Қул аъузу
бироббин-нааси»ни ўргатдилар». Шунда у зот бу иккиси билан унча масрур
бўлмаганимни кўрдилар. Бомдод намозига тушганларида одамларга
иккисини қироат қилиб, бомдодни ўқиб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи васаллам намоздан фориғ бўлганларида менга қайрилиб
қарадилар ва: **«Эй Уқба! Нима дейсан?»** дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Ҳузайма, Ҳоким ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда шундай дейилган: «Бир ғазотда Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи васалламнинг уловларини етаклаб борардим. У зот менга: **«Ҳой
Уқба, айт»**, дедилар. Англамай, яна қулоқ солдим. **«Ҳой Уқба, айт»**,
дедилар. Англамай, яна қулоқ солдим. У зот учинчи марта айтдилар.
Шунда мен: «Нимани айтай?» дедим. **«Қул ҳуваллоҳу аҳад»**ни», дедилар.
Сўнг сурани қироат қилиб тугатдилар. Кейин «Қул аъузу бироббил
фалақи»ни қироат қилдилар. Мен ҳам у зот билан бирга қироат қилдим. У
зот тугатдилар. Сўнгра «Қул аъузу бироббин-нааси»ни қироат қилдилар.
Мен ҳам у зот билан қироат қилдим. У зот тугатдилар. Кейин: **«Ҳеч ким
иккисичалик нарса билан паноҳ тиламаган»**, дедилар».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

685. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ҳар намознинг кетидан
«муъаввизатайни»ни ўқишимга амр қилдилар».

Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят
қилишган.

«Муъаввизатайни» – «Фалақ» ва «Нас» суралари.

686. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам бошқа бир кишининг кечаси «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни қайтариб чиққанини эшитди. У тонг оттирганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ўшани зикр қилди ва уни писанд қилмагандек бўлди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, у Қуръоннинг учдан бирига тенгдир»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.